

Эркак йўқ хонадонга киришдан сақланиш

Image not found or type unknown



14:05 / 26.04.2025 1944

مُكَايَا لِقَاقِ مَلَسَوِ هِيَ لَعَلَّ لِي لَصَدِّي بِن لِنَعُ، هُنَّ عُلَّ لِي لِي صَرَّ رَمَاعِ نَبَّ عَبْقُوعِ نَعُ
تَوَمَّلَا وَمَحَلَا لِقَاقِ؟ وَمَحَلَا تِي أَرْفَأَ، هَل لَل لُوسَرَايَا لُجَرَّ لِقَاقِ، عَاسِنَّا لِي لَعَلَّ لُوحْدَلَاو
يَذِمَّرْتَلَاو نَاخِي شَلَا هَاوَرُ

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аёлларнинг олдига киришдан эҳтиёт бўлинг!» дедилар.

Шунда бир одам:

«Эй Аллоҳнинг Расули, эрнинг қариндошига нима дейсиз?» деди.

«Эрнинг қариндоши ўлимдир!» дедилар у зот».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам номаҳрам эркакларни аёллар олдиға киришдан ман қилмоқдалар. Чунки бу жуда ҳам хатарли ишдир. Ҳеч ким йўқ жойда бир аёл билан бир эркакнинг холи қолишиға олиб келади.

Бу эса ўз навбатида ношаръий, ҳаром ишға, ҳеч бўлмаганда шубҳаға, ёмон фикр туғилишиға сабаб бўлади. Фараз қилайлик, бир аёл ўз уйида ёлғиз ўтирибди. Эшикдан бир номаҳрам эркак чақриб келди. Ичкариға кирди. Уйда мазкур аёлдан бошқа ҳеч ким йўқлигини билди. Шу пайт иккисини ҳам шайтон васваса қилиши, зиноға бошлаши ҳеч гап эмас. Бундай ҳолатлар тез-тез бўлиб туришини ҳамма яхши билади. Зинонинг кўпчилик ҳолатлари айна бегона эркак ва аёлнинг бир жойда холи қолишларидан бошланиши ҳеч кимға сир эмас.

Баъзи бирлар даъво қилганларидек, холи қолган эркак ва аёл очиқ кўнгиллик билан, «дўстона» гаплашиб ўтиришди ҳам дейлик. Нимани гаплашишади? Шу пайт хотиннинг эри ёхуд эркакнинг хотини келиб қолса, улар дўстона гаплашиб ўтиришибди, деб ўйлайдими? Умуман, бошқа бир одам, қўни-қўшни кўриб қолса-чи?

Баъзи бир кишилар «Уйға эрнинг қариндошлари келиб-кетиб туришади. Зарурат юзасидан ҳеч ким йўғида хотиннинг олдиға кирса, нима бўлади?» дейишади.

Саҳобаи киромлар ҳам худди шу саволни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрашган экан. У зот бу иш ўлим билан баробар эканлиги ҳақида хабар берибдилар. Яъни, бу ниҳоятда хатарли иш, дебдилар. Чунки бу нарса бепарволикка сабаб бўлади. Мазкур эътиборсизлик оқибатида эса ҳаром иш содир бўлиши ҳеч гап эмас.

Акасининг хотини билан зинода қўлга тушган укалар оз эмас. Шунга ўхшаш, бошқа номаҳрам қариндошлар ҳам. Шунинг учун зинҳор ва зинҳор ушбу ҳадиси шарифға хилоф қилмаслик керак. Бунинг учун кимдир бу шаръий амрни тарк этгани туфайли зино қилиб қўйган ёки шубҳаға қолиб, бир оила бузилган бўлиши шарт эмас. Шариатда бир ҳукм жорий бўлганми, мўмин-мусулмон киши унга қатъий амал қилавериши лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди